XALQ DEPUTATLARI ARNASOY TUMANI KENGASHI
QARORI

2022 - yil 22 - fevral VI-36-43-3-43-K/22 Arnasoy tuman hokimligi

ЛОЙИҲА

Арнасой туманида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар ҳамда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар учун 2022 йилга белгиланган базавий солиқ ставкаси асосида ер солиғи ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сонли “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429-моддаси ҳамда 437-моддаларига асосан 2022 йил учун Арнасой туманида белгиланган базавий солиқ ставкаси асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахсларни мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар учун 2022 йилга ер солиғи ставкаларини тасдиқлаш ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429-моддасига мувофиқ Арнасой тумани учун белгиланган базавий солиқ ставкаси асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича

мутлақ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 437-моддасига мувофиқ мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар (бундан деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар мустасно) бўйича мутлақ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Бунда, туманлар халқ депутатлари Кенгашлари юқорида 1-2-3-иловалар билан белгиланган солиқ ставкаларига 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эгалиги кўрсатиб ўтилсин.

4. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (З.Исматов), туман ҳокимлиги молия бўлими (М.Эшбоев), туман Давлат солиқ инспекцияси (Х.Умуров)ларга 2022 йилдаги бюджет-солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор “Арнасой тонги” газетасида расман эълон қилинсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари” доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Исматов зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Ҳоким **Х.Алимарданов**

Халқ депутатлари Арнасой туман
Кенгашининг
2022 йил 22 февралдаги
VI-36-43-3-43-K/22-сон қарорига
1-илова

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича бўйича мутлақ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/Р	**Ҳудудлар**	**Коэффицент (0,7 дан 3 гача)**	**Ер солиғининг ставкаси 2022 йил учун (млн.сўмда)**
1	***2***	***3***	***4***
1	Ғолиблар МФЙ	0,83	20,6
2	О.Водий МФЙ	0,83	20,6
3	Бобур МФЙ	0,83	20,6
4	Ғ.Ғулом МФЙ	0,83	20,6
5	Бўстон МФЙ	0,73	18,1
6	Чўлқувар МФЙ	0,73	18,1
7	Тинчлик МФЙ	0,73	18,1
8	Дўстлик МФЙ	0,73	18,1
9	Гулбаҳор МФЙ	0,73	18,1
10	Зарафшон МФЙ	0,73	18,1
11	Бахтли МФЙ	0,73	18,1
12	Янгибўстон МФЙ	0,73	18,1
13	Чинобод МФЙ	0,73	18,1

Халқ депутатлари Арнасой туман
Кенгашининг
2022 йил 22 февралдаги
VI-36-43-3-43-K/22-сон қарорига
2-илова

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлақ миқдорда 1 кв.метр учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/Р	**Ҳудудлар**	**Коэффицент (0,5 дан 2 гача)**	**Ер солиғининг ставкаси 2022 йил учун (сўмда)**
1	***2***	***3***	***4***
1	Ғолиблар МФЙ	1,0	221,00
2	О.Водий МФЙ	0,9	198,90
3	Бобур МФЙ	1,0	221,00
4	Ғ.Ғулом МФЙ	0,9	198,90
5	Бўстон МФЙ	0,7	157,70
6	Чўлқувар МФЙ	0,7	157,70
7	Тинчлик МФЙ	0,7	157,70
8	Дўстлик МФЙ	0,7	157,70
9	Гулбаҳор МФЙ	0,7	157,70
10	Зарафшон МФЙ	0,7	157,70
11	Бахтли МФЙ	0,7	157,70
12	Янгибўстон МФЙ	0,7	157,70
13	Чинобод МФЙ	0,7	157,70

Халқ депутатлари Арнасой туман
Кенгашининг
2022 йил 22 февралдаги
VI-36-43-3-43-K/22-сон қарорига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 412-моддасига асосан юридик шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлақ миқдорда 1 кв.м. учун вилоят маркази 1500 минг сўм, бошқа ҳудудлар учун 1000 минг сўмга белгиланган бўлиб, ушбу минимал қийматга 0,5 гача камайтирувчи коэффициентлар

Т/Р	**Ҳудудлар**	**Коэффицент (0,5 дан 2 гача)**	**Ер солиғининг ставкаси 2022 йил учун (сўмда)**
1	***2***	***3***	***4***
1	Ғолиблар МФЙ	0,8	560,00
2	О.Водий МФЙ	0,8	560,00
3	Бобур МФЙ	0,8	560,00
4	Ғ.Ғулом МФЙ	0,8	560,00
5	Бўстон МФЙ	0,8	560,00
6	Чўлқувар МФЙ	0,8	560,00
7	Тинчлик МФЙ	0,8	560,00
8	Дўстлик МФЙ	0,8	560,00
9	Гулбахор МФЙ	0,8	560,00
10	Зарафшон МФЙ	0,8	560,00
11	Бахтли МФЙ	0,8	560,00
12	Янгибўстон МФЙ	0,8	560,00
13	Чинобод МФЙ	0,8	560,00